

942Б/1977- وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ أَنَّهُ لَمَّا كَثَرَ صِيَامَ دَاوُدَ قَالَ: ...بَكَانَ لَا يَفِرُّ إِذَا لَاقَى. قَالَ: مَنْ

لِي بِهِدِهِ يَا نَبِيَّ اللَّهِ؟ قَالَ: وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا صَامَ مَنْ صَامَ الْأَبَدَ، مَرَّتَيْنِ.

942Б.1977. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо бундай хабар қилади:

«Менинг рўзани кетма-кет тутиб, туни билан намоз ўқиб чиқишим Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. Шунда ё менга у зот одам жўнатдилар, ёки ўзим у зотни учратиб қолдим. У зот: **«Менга хабар қилиндики, сен рўза тутар экансану, оғзи очиқ юрмас экансан, намоз ўқир экансану, ухламас экансан. Сен рўза ҳам тутгин, оғзи очиқ ҳам юр. Бедор ҳам бўл, ухлагин ҳам. Чунки сенда кўзингнинг ҳам насибаси бор. Сенда нафсингнинг ва аҳлу оилангнинг ҳам насибаси бор»**, дедилар. «Менинг бунга қувватим етади», дедим. Шунда у зот: **«Бўлмаса, Довуд алайҳиссаломнинг рўзасини тут»**, дедилар. «У қандай?» дедим. **«У бир кун рўза тутиб, бир кун оғзи очиқ юрар эди ва (душманга) йўлиққанда қочиб кетмас эди»**, дедилар. «Мен учун бунга ким кафил бўларди, эй Аллоҳнинг Набийси?!» дедим».*

Ато айтади: «Муттасил рўза тутишни қандай зикр қилганини билмайман-у, лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муттасил рўза тутган киши рўза тутмабди!»** деб икки марта айтганлар».*

* Яъни кун ора рўза тутиш кишининг танасига заифлик етказмайди, шунинг учун бундай рўза тутган одам душман билан басма-бас жанг қила олади, кучсизланиб, ортга чекинмайди. Абдуллоҳ ибн Амр «Ана шундай фазилатга эга бўлишимга ким кафолат беради?» демоқчи.

* Ато ибн Абу Рабоҳ - мазкур ҳадисни Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан битта восита - Абу Аббос орқали нақл қилган ровийдир. У киши ушбу ҳадисни Абу Аббосдан ёдлашда «муттасил рўза тутиш» мазмунини айнан қандай ибора билан эшитганини аниқ эслолмаса-да, ҳарқалай ушбу ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Муттасил рўза тутган киши рўза тутмабди!»** деган сўзларини аниқ эшитганини айтмоқда. Бу билан у киши ўзи иккиланган ибора ҳам айнан шундай ифода этилганини тахмин қилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI